

ЁШЛАР БАНДЛИГИ ЖАМИЯТ ФАРОВОНИЛИГИ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Асқарова Мұхаббат Ибрахимовна
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий – тадқиқот маркази илмий ходим*

Турли оила мұхитида, турли қатламга оид ёш йигит-қизлар бор. Уларнинг барчаси ҳам тўла -тўқис билим олиш ва иш ўрнига эга деб ҳисоблаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёшлар ўз ўрнида уюшган ва уюшмаган ёшларга бўлинади. Ҳозирги кунда жамиятга хавф туғдирадиган ёшлар қатлами бу уюшмаган ёшлар ҳисобланади. Чунки уларнинг келтирадиган хавфи даражасини билиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳудудларда биринчи навбатда мана шундай ёшлар қатлами вакилларига эътибор қаратиш зарур. Давлат, вилоят, туман миқёсида муайян ютуқларга эришиш, ривожланиш, ҳалқ фаровонлиги, бошқа далат томонидан эътироф эътилиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътиборнинг натижасидир. Шундай экан Янги Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир.

Республикада замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаши ва имкониятларни ишга солиш учун ҳозирги кунда ёшларга барча имкониятлар мавжуд. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган қонун ҳужжати – 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун эканида ҳам рамзий мазмун-моҳият мужассам.

2020 йилнинг 30 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда 30 июнь - “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши ёшларга бўлган эътиборнинг, жамиятдаги ўрни нечоғлик мұхимлигини ифодалайди. Аҳолининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатда ёшларга бўлган эътиборни давлат сиёсати даражасида баҳолаш, уларни ҳар тамонлама қўллаб қувватлаш, ислоҳотларни изчил амалга ошириш ниҳоятда мұхим.

Шу ўринда, жамиятда ёшларнинг ўз ўрнига эга бўлишлари, ҳалқаро даражада рақобатлаша олдиган, замонавий технологияларни ўзлаштирининг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида амалга оширилган ислоҳатлар, давлат бюджетидан сарфланаётган ҳаражатлар ёшларнинг жамиятда ўз ўрниларига эга бўлишлари учун бўлса, иккинчи томондан қаралганда келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаш мумкин.

Ёшлар таълимига бўлган эътиборни мактабгача таълим муасссаларини фаолиятини тубдан янгилаш, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилши,

республика ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилиши, Олий ўқув юртларига қабул квоталарини сезиларли даражада оширилиши, сиртқи ва кечки олий таълим шаклларини жорий этилиши, сўнги икки йил ичида 15 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилишида кўриш мумкин. Бундан ташқари 5 та муҳим ташаббуснинг илгари сурилиши ёшлар таълимида янги босқич бошланишини ифода этади.

Йилдан -йилга олий таълим муассасалрининг сони ортиб бориши ёшларнинг олий маълумотлилик даражасини эгаллашга бўлган талабларини ортганлигини ифодаласа, бошқа тарафдан йиллар ўтиб меҳнат бозорида иш ўрнига нисбатан рақобатни ортиши мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра 2022 йилда Ўзбекистонда 159 та, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 72 та, ҳудудларда 87 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан:

- университет — 28 та;
- институт — 47 та;
- академия — 3 та;
- консерватория — 1 та;
- филиал — 26 та;
- хорижий ОТМ ва унинг филиаллари — 30 та;
- нодавлат ОТМ — 24 та.

2017-2022 йиллардаги олий таълим муассасалари сони ва талabalар сони таҳлил қилиб ўрганилганда, олий таълим муассасалари 2,5 баробардан ортиқ, талabalар сони эса 3 баробарга ошганлигини кўриш мумкин.

2022/2023-ўқув йили бошига Ўзбекистонда фаолият юритаётган 191 та олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талabalар сони бир миллиондан ошган (https://t.me/statistika_rasmiy). Шундан 544,8 минг нафари талаба йигитлар бўлса, 495,6 минг нафари талаба қизларни ташкил этади.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига, ЮНЕСКОнинг статистика институти маълумотларига кўра, хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талabalар сони 85,9 минг нафарни ташкил этган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма босқич амалга оширилаётган Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсати ёшларни жамиятдаги ўрни қанчалик муҳим эканлигини ифодалайди. Ҳар бир давлат учун ёшлар давлатнинг келажаги ва "олтин фонди" ҳисобланади. Шундай экан олий маълумот олиш билан биргаликда уни бандлигини таъминлаш ҳам муҳим. Юқорида келтирилган рақамлардан қўриш мумкинки 2-3 йил ичида Ўзбекистонда олий маълумотга эга ёшлар бандлигини таъминлаш, ёшлар ўртасида иш ўрнига нисбатан рақобатни ортишига олиб келади.